



Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 24 июль. Чоршанба. № 50 (14348)

ДЎСТАЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РАМЗИ

Илгари хабар қилинганидек, 19 июль куни Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг халқаро таништириш маросими бўлди. Заводнинг расмий равишда очилиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Илхом Каримов республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказди. Кўйда ушбу матбуот конференциясининг батафсил баёни эълон қилинмоқда.

Илхом КАРИМОВ:

— Хурматли журналистлар, дўстлар!

Икки ярим йил ичида, муволафасиз айта олмаганим, жаҳондаги энг яхши намуналар билан бемалол тенглашадиган техника, нодир автоматлаштирилган линия ва жиҳозлар урнатилган замонавий завод барпо этилди. Бу заводда автомобилларнинг чиқарила бошлагани Ўзбекистоннинг имконият ва салоҳиятини яна бир бор тасдиқлаб беради. Бу — энг аввало, Ўзбекистон ташаббуси билан барпо этилган ва ислохотлар йўли тўғрисида, Ўзбекистоннинг собиқ советлар ҳудудини қамраб олган танлиқ вазиятидан аста-секин чиқиб олаётгани, иқтисодийнинг тобора жонланиб бораётгани, барқарорлик ва ушбу йўлдан изчилик билан олға силжиётганидан дарак беради. Ҳозиргина, биз завод трекида янги машиналар айланаётганимизда жанаб Ким Ток Лёнг жуда муҳим бир фикрни айтди. Мен ҳозир бу фикрни сизларнинг олдидан ҳам таққосламоқчиман. У бу заводнинг ишга туширилиши — Ўзбекистоннинг олдинги ҳолати, унинг олдинги даражаси билан ҳозирги кунги ўртасидаги четгара бўлиб, Ўзбекистон индустриясини ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан бутунлай, янги даражасига йўл очди, деди. Назаримда, жанаб Ким Ток Лёнгнинг бу фикрига қўшимасликнинг иложи йўқ. Бу жуда салмоқли, теран фикрdir. Ҳақиқатан ҳам бу чегара, Ўзбекистон сановати ва бутун индустрияси тараққийти йўлидаги улкан бурилишdir.

Бу заводнинг ишга туширилиши биз учун сифат жиҳатидан мулақоат янги бўлган ишлаб чиқариш, инфраструктура шакллантириш йўлидаги ҳал қилувчи қадам бўлиб, иқтисодийнинг бир мақсадига йўналтирилишидан замонавий, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш йўлида зарур бўлган тузилма янгиланишлари билан ҳам таъминланди. Заводга керакли бўлган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича янги ва янги замонавий сановат шохобчалари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфраструктураси, талабга мос маркетнинг, техник ва сервис хизматларининг яратилиши ва ҳозирнинг ўзида барпо

этилатгани тўғрисида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Бошқача айтганда, автомобиль заводи ва унинг узлуқсиз ишлаши бир-бирига боғлиқ сановат шохобчалари ва хизмат кўрсатиш тузилмасини юзга келтирди. Бу эса, ўз навбатида ҳам яши маҳсулот, ҳам даромад, ҳам аҳолининг иш билан таъминлиниши, демекдир.

Яна бир гап. Мазкур заводнинг ишга туширилиши Ўзбекистоннинг, унинг сановат ишлаб чиқаришнинг аста-секин халқаро меъёр ва стандартлар даражасига чиқаётганини ҳам билдиради. «ЎзДЭУавто» лойиҳасининг қиймати 650 миллион Америк долларига тенг. Ўзбекистоннинг улushi бунинг ярмини ташкил этади. Яъни, бу корхона «фидити-фидити» усулида, «эллипка-эллипка» тартибида барпо этилган. Унинг лойиҳадаги қуввати — йилга 200 миң донга кам ёниги талаб қиладиган, шинам енгил автомобиль ва микроавтобуслар ишлаб чиқаришга муволафасиз. Бунга узингиз гувоҳ бўлиб турибсиз. Агар истак бўлса, мен журналистларга машиналарда мана шу трекни айланиб чиқишни таклиф қилган бўлардим. Мен ҳатто завод директори билан биз ҳозир бошқа ишлар билан банд пайтимизда журналистларнинг ҳозир биз юрган ҳамда бошқа машиналарга ўтказиб, трекда айлантиришни илтимос қилган бўлардим. Бу таклифимнинг боиси шунки, сизлар-ку, енгил машинада юришга ўрганиб қолгансизлар, лекин, мана бу заводда биринчи марта яратилган машинада юриш сизларнинг бу машина қанақа экани, унинг ташқи қуринишигина эмас, бошқа жиҳатлари ҳам анойи эмаслигига амин бўлишингиз учун маълум аҳамият касб этади. Шундай қилса бўладими?

ОВОЗ: Бўлади.

Демак, масала ҳал бўлди, завод директори барчани машинага ўтказди.

ОВОЗ: Раҳмат!

Ҳозирнинг ўзида Жанубий Кореялик шеритимиз билан утириш, бампер, панел, курсаткилар, лак-бўёқ материаллари ишлаб чиқариш ҳамда машина салониини пардозлар бўйича 5 та қўшма корхона барпо этилди. Уларнинг барчаси имкон қадар бош корхона, яъни мана шу заводга яқин қилиб жойлаштирилди. Голландиянинг «Фонтан» фирмаси билан гилдираклар

га диск ишлаб чиқариш учун жиҳозлар етказиб бериш бўйича лизинг шартномаси тузилган. Тормоз ва ёниги найчалари, электр тасмалари, овозни пасайтирадиган мосламалар, ёниги бакларини ишлаб чиқариш хизмати нарпо этиш масалалари ҳал этилмоқда. Корхоналаримизга майда қолиплаган ва пластмасса деталлари ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар берилган. Биз охири-оқибатда ишлаб чиқаришнинг қамда 70 фоизини ўзимизда улаштиришга қўриб туриб, бизнинг эришилган маррада тўхтаб қолиш ниятимиз йўқ.

Мен шунга алоҳида таъкилламоқчиманки, аслида бунга субтаъминнинг бошқа айтиш керак эди, биз мана шундай замонавий объектни қуриш ва ишга тушириш Кореянинг жаҳонга машҳур «ДЭУ» корпорацияси иштирокисиз амалга ошиши мумкин эмаслигини яхши билардим. Мен бу ўринда «ДЭУ» хусусидагина эмас, Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги жуда кўп масалаларга тобора ривожланиб, мустақамлаб бораётган узаро муносабатлар хусусида ҳам гапириб ўтишни истар эдим.

Шунга яна бир бор таъкилламоқчиманки, биз ҳозир битта ишшоотда жуда муҳим, келгил миқдоси объектда турибмиз. Бироқ Жанубий Кореянинг бизнесменлари, компаниялари билан узаро муносабатларимиз фақат мана шу завод билангина қилинган қолганларини йўқ. Мисол учун, айтайлик, Тошкентда телевизор чиқарадиган «ЎзДЭУэлектроникс» қўшма корхонаси бор. Бугунги кунда нафақат, Ўзбекистон, балки қўшма мамлакатлар бозорига ҳам «ЎзДЭУэлектроникс» телевизорлари талаб катта. Бироқ бундан бошқа заводлар, айтайлик, ўрта Чирчиқ туманидаги «Қабул» текстиль заводи бор. Биз бу туқимачилик фабрикасини ҳамкор фирмага сотган эдик, у ҳозир бу корхонага мустақил эга бўлиб, унда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.

«ДЭУ» корпорацияси бундай ҳамкорликни ривожлантиришда ниҳоятда улкан урин тутди. Узаро муносабатларимизда «ДЭУ» корпорацияси алоҳида урин тутди ҳақида ҳам гапирмай бўлмайди. Мен бу ўринда Ўзбекистоннинг бу фирма, энг аввало, унинг раҳбари жанаб Ким У Жун билан узаро амалий муносабатларининг вужудга келишига қийинган улкан ишни ҳам айтмай ўтмайман.

Яқин орадаги вазибалар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар қўйилганлардан иборат. Биз тезлик билан заводнинг лойиҳа қувватига чиқаришимиз, жаҳон бозорига автомобиль техникаси билан кириб боришимиз, енгил машина-

ларнинг истиқболли моделларини ишлаб чиқиб, улаштиришимиз, бутловчи маҳсулотларни ҳам имкон қадар ўзимизда ишлаб чиқаришга эришишимиз зарур.

Хурматли дўстлар, мен бу кун ҳаммамиз, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси учун қувончли, ҳатто, бахтли кун эканини айтмоқчи эдим. Суверен Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 давлат сафидан жой олди. Бу тарихимизда жуда муҳим босқичdir. Бу бизнинг ўзимиз таълаб олган ислохотлар ва янгиланишлар йўлидан дадил бораётганимиздан, тараққийтимизда янги марраини эгаллаганимиздан дарак беради. Мен шу гап билан чеklangини истар эдим. Агар саволлар бўлса, уларга жавоб беришга тайёрман.

Эҳтимол, бу матбуот конференциясини ташкил этган киши сифатида жанаб Ким У Жун ҳам гапирар?

(Залдан: «Йўқ, бирдан саволларга ўтайлик», деган овозлар эшитилди.)

Эки бирдан саволларга утаемиз? Жанаб Кимдан ҳам суранглар, эҳтимол, унинг ҳам гапи бордир.

(«Йўқ», деган овоз эшитилди.)

Кўриб турибсизлар, у ишбилармон одам, дарров асл мақсадга қўша қолади. Майли, саволларни беринглар, жавоб беришга тайёрмиз.

Кореянинг «Чосон илобо» газетаси мухбири Ким У Цукки:

Бизнинг билишимизча, Ўзбекистон ўзининг мустақил даврида Кореянинг иқтисодий моделини чуқур ўрганиб, уни ўз тажрибасида қўлламоқда. Мен сиздан иқтисодий фалсафанигиз ҳақида, Корея билан иқтисодий ҳамкорликни бундан бундан ривожлантириш йўлига қандай қарашингиз тўғрисида сўрамоқчи эдим.

Илхом КАРИМОВ: Бу саволга жавоб беришдан олдин мен Асака автомобиль заводида улкан объектнинг ишга туширилиши — бизнинг Жанубий Корея фирмалари, умуман Корея иқтисодий билан муносабатларимиздаги маълум бир босқич эканини яна бир бор таъкиллашни истар эдим.

Сизлар, хурматли кореялик журналистлар, бизнесменлар даражасидагина эмас, балки ҳукумат даражасида ҳам яқинлик ва мустақам ҳамкорлик бўлмаганида бундай объектни ишга тушириш мумкин эмаслигини яхши биласизлар.

Шу ўринда Корея Республикаси Президенти жанаб Ким Ён Самнинг 1994 йил эсида Ўзбекистонга таърифни алоҳида таъкиллашни истар эдим. Бу таъриф бизнинг Корея Республикаси билан нафақат иқтисодий, балки сийсий муносабатларимиз ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этди. Кейин 1995 йил

февралдаги бизнинг Кореяга таърифимиз, у ерда ҳукуматлараро битимлар имзоланиши — муносабатларимизнинг ҳуқуқий асослари яратилиши амалий ҳамкорлигимиз мустақамлашни нўқтан назардан улкан аҳамиятга эга бўлди. Мен, агарда, Ўзбекистон Президенти билан Корея Республикаси Президенти жанаб Ким Ён Сам ўртасида яқинлик, узаро ҳурмат бўлмаганида бугунги воқеа содир бўлмаганини таъкиллашни истар эдим. Менинг бундай дейишга тула асосим бор. Мен шунга аминманки, бугун бу ерда, завонинг тантанали очилиш маросимида Корея Республикасининг сийсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Лёнгнинг ҳозир бўлиши ҳам, энг олий даражадаги узаро муносабатларимиз кўнгилдагидек эканидан дарак беради. Бу Корея Президенти муносабатларимизни янада ривожлантириш ва мустақамлашга қандай аҳамият бераётганидан яна бир ерқин далолатdir.

Сизларни биз бундай муносабатни юксак қадрилатимизга ишонтиришни истар эдим. Ҳа, биз қисқа муддат ичида жуда яхши ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиб олган Корея таърибасини ўрганидик. Турли таққосларни сунистеъмол қилмасдан шунга айтмоқчиманки, Корея Республикаси бугунги кунда жаҳондаги 10 та энг ривожланган мамлакат қаторидан жой олганининг эирик жуда кўп нарсани билдиради. Агар Корея 60-йилда қандай бўлгани эъланса, у жуда қисқа муддат ичида шу даражага эришганини курадик. Бу — Корея таълаб олган ривожланиш модели жуда кўшлар учун ҳам фойдалани эканини кўрсатиб турибди.

Мен Корея билан узаро муносабатларимизда мавжуд бўлган уч омилини алоҳида қайди этишни истар эдим. Булар: Кореяга мансуб бўлган ривожланган индустрия ва технология ҳамда Ўзбекистоннинг ресурсларидир. Агар Ўзбекистоннинг ресурсларини Корея технологияси билан эки Корея технологиясини Ўзбекистон қилири билан омухта қилинса, муваффақиятнинг таъминлигини уйғунлик ҳосил бўлади. Яна бир муҳим омили шунки, кореялар биз учун нотаниш миллат эмас. Мана, қарийб 60 йилдан бери Ўзбекистон ҳудудига кореялар ҳам истиқомат қилди. Улар биз учун Ўзбекистоннинг бошқа барча тенг ҳуқуқли фуқаролари сингари фуқаро ҳисобланади. Кореялар билан ўзбекларнинг табиати, маданияти, тарихи, тафаккур тарзида жуда кўп ухшашлик бор.

(Давоми 2- бетда)

КАМОЛОТ: шаклланиш даври

ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Жиззахда республика «Камолот» жамғармаси вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари иштини янада яхшилашга бағишланган йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими А.Тошкенов бошқарди.

Йиғилишда Президентимиз Фармонида мувофиқ ташкил этилган «Камолот» жамғармаси иши тобора фаоллашиб бораётгани қайди этилди. Айна вақтда жойларда жамғармага оғалик ердам курсатиш, унинг таъсис фондини жамлашга ҳомийларнинг амалий ёрлами кучайтириш зарурлиги таъкиллади. Шунингдек, йиғилишда ешларнинг галларим йиғимидаги иштироки муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Наманганда Фаргона водийси вилоятлари «Камолот» жамғармаси туман ва шаҳар бўлимлари раисларининг миттақилий семинар кенгаши бўлди.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Тошкентда республика ешлари «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган «Соғломлаштириш спорт ҳафталиги» якунланди.

Жамғарма раиси Ҳ. Абдураимов ҳафталик якунини баҳолаб экан, республикамизда еш авлодининг соғлом услиши, унинг жисмоний ва маънавий камол топишига катта эътибор берилаётганини таъкиллади. Шу сабабли жамғарма таътил кунларида уйда қолган болалар учун спорт ҳафталиги ўтказишга қарор қилди.

Таъбирда спортнинг беш тури — футбол, волейбол, шахмат-шашка, енгил атлетика ҳамда сузиш бўйича мусобақа бўлди.

«Соғломлаштириш спорт ҳафталиги» пойтахтлик болалар учун унутулмас байрам бўлиб қолди. Мазкур таъбирга утказишда «Камолот» жамғармаси билан бирга Мирзо Улмасбек номидаги истироҳат боғи ва «Тўқимачи» стадиони маъмурияти, шаҳар ва Чилонзор тумани спорт қўмиталари ҳам фаол иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ

ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ЯНАДА

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитларида иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш ва ишларнинг пировард натижалари учун масъулиятни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб бошлангич разряднинг ойига 600 сум миқдоридagi тариф ставкаси Ягона тариф сеткасида асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари иловлага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 мартдаги 103-сон қарорига илова 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 23 июль, 1996 йил.

Вазирлар Маҳкамасининг

1996 йил 23 июлдаги қарорига илова

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг

Ягона тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1,000	12	3,581
1	1,450	13	3,808
2	1,595	14	4,038
3	1,755	15	4,271
4	1,930	16	4,508
5	2,115	17	4,748
6	2,308	18	4,991
7	2,510	19	5,238
8	2,716	20	5,488
9	2,926	21	5,741
10	3,140	22	5,998
11	3,358		

ДАЛАЛАР ШУКУҲИ:

Шоди ака Имомов гуза устириш технологиясини ишлатишга билди. Десақ асло хато қилмаган бўларимиз. Мана 35 йилки, пахтазор оралиди, 35 йилдан бери шу усмлик билан тиллашди. Шунинг учун булса керак, у раҳбарлик қилган Челек туманидаги Навоий номида жамоа ҳужалиги пахта етиштириш бўйича доимо илғорлар сафида. Утган йили ҳам ҳужалик дехқонлари вилоятда биринчи бўлиб талаба маррасини эгаллаган эдилар.

— Ғузларимиз жанубий туманлардаги қарандга 15-20 кун фарқ билан усали, — дейди Шоди ака. — Лекин иккинчи марта сув берилганидан сўнг бу тафовут кескин қамалди. Барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарганимиз, эҳтимол меҳнатимиз туфайли шу ютуқларга эришганимиз. Далаларимиздаги ғузларни қуриб, қузини қувонади. Уларнинг ҳар тушига 2-3 талдан қусак, шода-шода гўл бор. Бу эса жорий йилда ҳам ҳосил қўзлаганимиздагидек бўлишдан дарак бериб турибди.

Ҳужалик дехқонлари бу йил 417 гектар майдонга «С-9047» навли гуза устиришмоқда. Улар йил якунида давлатга 1063 тонна «ок олтин» сотишни мақсад қилишган. Аини кунларда эса ғузларга олтинчи ишлов ва учинчи сув бериш ишлари қизини бормоқда.

Суратларда: ҳужалик раҳбари Шоди Имомов ва бригада бошлиғи Баҳриддин Жураевлар далада.

Т. Норқулов олган суратлар. (ЎЗА).

ҒУЗА ГУЛИ ҲАМ ЧИРОЙЛИ БЎЛАДИ



ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 23 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 31,14 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 38,00 сум даражасида қайди этилди.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва тақлифдан қилиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда вазирлик ҳақи олинмайдиган.

Ёшлар ижодидан

«УЙЛАНИШ» —

САНЪАТГА ХИЁНАТ... МИ?



Алданди қиз, алданди ибод, Алданди қиз, алданди дунё.

Алданди қиз, алданди ибод, Алданди қиз, алданди дунё.

Барибир кунглим тинчимади... Кейин уни қушиқ қилиб қуйладим.

Муртазо, қушиқларингизда кўпроқ классикага суянар экансиз. Бунга сабаби нимада?

Шадиди, дунёни туртта устун ушлаб туради. Ана шулардан бири — қушиқ. Яна шундай бир ривоят бор.

Сухбатдошимиз Муртазо МУРОДОВ, қашқадарёлик. Маданият техникумининг 4-курсда ўқийди. 26 ёшда. Бўйдоқ. Республика олий ўқув юртлиги ўртасида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўрик-танловининг Нормурод Нарзуллаев сўзи, ўз кўйи билан «Эрк муборак» қўшиғини кўйлаб, фахрли 2-ўрин соғириндори бўлди.

Муртазо, келинган вақтингизга етиб келолмадингиз, сиз биздан қарздорсиз. Айбдорман, ижозат берсангиз қарзимни қушиқларим билан утсам.

Тошкентдан, Маданият техникумининг 3-курсда ўқийди. — Раҳмат. Энди суҳбатни бошлашак ҳам бўлаверади. Янглишмасам, сизни талабалар орасида машҳур қилган қушиқ, бу «Алданди қиз, алданди дунё» қўшиғингиз, шундайми? Агар сир бўлмаса, ана шу қўшиқнинг яратилишига нима сабаб бўлган эди?

Бошловчилар учун сабоқ

ОЛТИНЧИ САБОҚ Т, V, X, U, Z ҳарфлари Ушбу ҳарфлар ўзбек тилида пайло бўлиш урни ва усулига ҳамда ифода қуламини баҳра қуйидаги вазифаларни бажариб келади:

ЛОТИН ЁЗУВИНИ ЎРГАНАМИЗ

В. товуши босма бош ҳарф У ва кичик ҳарф у шаклида берилган: езулда эса бош ҳарф ва кичик ҳарф кўринишлари ифода қилинган.

У ҳарфи тил урта, сиргалувчи ва жангли ундошдир. Бу товуш янги лотин езувида бош ҳарф сифатида мазкур шаклда, кичик ҳолатда рус езувидаги у шаклида берилган.

ЎШТАДИМ, ЗУЛФИНИ БИЗДИН КЕЧИБДУР...

«Ўштадим, зулфини биздин кечибдур, Дедимки, кеча кундудин кечибдур, Агар юз ёшула раҳиминг келурса, Менинг ёшим икки юздун кечибдур...»

Биринчи медал соҳиб

Нихоят, спорт мухлислари орзиқиб қутган кун ҳам келди. Дюдо бўйича 86 килограмм вазни Армён Богдасаров беш нафар рақибни доғда қолдириб, финалда корей спортчиси билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси

Сизнинг мамлакатимизда халқ ҳужалигининг турли соҳаларига кичик саноат-технологик линияларини, цехлар ва корхоналарни жорий этиш; қишлоқ жойларга кичик саноат олиб кириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш; аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган Ишланма ва Тақлифларининг амалга оширилиши учун ҳамкорликнинг энг яхши шартларини яратиб беради.

Муассис: Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси. Хўшай, Ўзбекистон Республикаси «МАТВОУТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЕЗОВ

ТАХРИРИЯТ: Кабулхона — 36-56-58; ҳафталик бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-58-96.

Муаллифлар фикри таҳририят нукта назаридан фарқлангани мумкин. Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69